2014 йил 22 май, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (12.661)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗАРО ИШОНЧЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашув ўтказиш ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Суҳбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этиб, Хитой раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

ХХР Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан буён ҳам яқин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда «янада юксак марраларга эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишга» тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақадаги муҳим давлат эканини қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончни, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида мамлакатимиз билан ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этди.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпин ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалаларни, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масаласини атрофлича муҳокама қилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган IV саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қитъада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форумдир. Бугунги кунда Кенгашга 24 давлат аъзо. Тўққиз мамлакат ва тўрт халқаро ташкилот унинг кузатувчиларидир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бугун дунёда рўй бераётган таҳликали, беқарор сиёсий ва иқтисодий воқеалардан хавотирга тушмаган давлат, жамият бўлмаса керак. Бу, ўз навбатида, халқаро хавфсизликка ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Сўнгги вақтларда жаҳоннинг айрим минтақаларида юзага келаётган вазиятни кузатар эканмиз, барқарорликни издан чиқарувчи омиллар – куч ишлатиш ва зўравонлик хавфи тобора кучайиб бораётганини афсус билан қайд этмоқ лозим. Халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик хавфи, миллатлараро ва конфессиялараро қарама-қаршиликлар ҳам камайгани йўқ.

Ислом Каримов саммит қатнашчилари эътиборини муҳим масала – ишонч масаласига қаратди. Ўзбекистон раҳбари қарама-қарши томонларни муросага келтириш учун, аввваламбор, улар ўртасида юзага келган муаммони ҳал этишга қаратилган ўзаро хайрихоҳликка эришиш зарурлигини таъкидлади. Акс ҳолда, улар ўртасидаги барча музокаралар бир-бирига эътироз билдиришдан нарига ўтмай қолиши ва бу ҳолат чексиз давом этавериши мумкин. Бу, ўз навбатида, дунёнинг турли минтақаларида ҳал этилмай келаётган зиддиятларни юзага чиқаради. Фақат ўз манфаатини кўзлайдиган ташқи кучлар ушбу зиддиятларнинг авж олиши ва ҳатто чегарадан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бироқ, вазият қандай тус олмасин, бундай зиддиятларнинг асосий сабаби бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқолишидир. Бу ишончни қайта тиклаш ва албатта мустаҳкамлаш зарур.

Президентимиз ишонч – бу муҳим элемент ва асосий мажбурият эканини, бусиз тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳар қандай музокаралар жараёнида баҳсли масалаларни ҳал этиш, ўзаро тушуниш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сари қўйилган мақсадларга эришиб бўлмаслигини таъкидлади. Аммо экспертларнинг фикрича, замонавий дунёда, биринчи навбатда, халқаро муносабатларда ўзаро ишонч мустаҳкамланиш ўрнига сусайиб бормоқда.

Юзага келаётган реал вазият бугун ушбу масалалар ўз ечимини талаб қилаётган ғоят долзарб муаммолар эканини кўрсатмоқда. Аксарият таҳлилчилар бугунги кунда жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгараётгани ва глобаллашув кўлами кенгайиб, хомашё ресурслари ва коммуникацияларни назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобат кучайиб бораётгани, беқарор давлатларда бўлгани каби ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам даромад тенг тақсимланмаётгани бундай ҳолатлар юзага келишининг асосий сабаблари, деб ҳисоблайди.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда радикализм, халқаро терроризм, экстремизм ва наркотрафик мафкураси бир мамлакат ёки муайян минтақа муаммоси эмас. Бу муаммолар миллий чегарани билмайди, айниқса, ёш авлодни ўз домига тортмоқда. Давлатимиз раҳбари терроризмни фақат ислом дини билан боғлаш мутлақо нотўғри ёндашув эканини алоҳида қайд этди.

Кўпгина экспертларнинг фикрича, халқаро бошқарув институтларининг мувофиқлаштирувчи роли, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига қатъий риоя этиш бўйича ягона ёндашувнинг заифлашгани вазиятнинг тобора кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон давлатлараро ва халқаро даражадаги ишончни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, шубҳасиз, дунёда зиддиятли жараёнлар кучайишининг олдини олишда муҳим таянч ва асосий тўсиқ, нотинч минтақаларда ўзаро курашаётган марказларнинг бир-бири билан рақобатлашишининг, вазият кескинлашуви ва издан чиқишини тўхтатишнинг ишончли ва муҳим воситаси, деб билади.

Шу муносабат билан, давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин нутқида Осиёда хавфсизликнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича билдирилган таклифлар эътибор ва қўллаб-қувватлашга лойиқ эканини, ўзаро ишонч, манфаат, тенглик ва ҳамкорлик каби принципларни амалга ошириш ушбу концепциянинг асосий мақсадлари бўлиши даркорлигини таъкидлади. Ижтимоий тизим ва унга ёндашувдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик муҳим вазифадир. Шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, савдо ва инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида йирик қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологик ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этишга доир таклифлар ҳам қўллаб-қувватлашга лойиқ. Президентимиз замонавий дунёда талаб юқори бўлган бундай янгича ёндашувлар бугунги кунда айниқса муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари қўшни Афғонистонни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини ҳал этишдан манфаатдор барча томонлар бир фикрда якдил – Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмайди. Ислом Каримов Ўзбекистон бу фикрни НАТОнинг 2008 йил апрелдаги Бухарест саммитида ҳам илгари сурганини қайд этди.

Можарони бартараф этишнинг ягона тўғри йўли – сиёсий йўл бўлиб, музокаралар орқали қарама-қарши томонларнинг ўзаро келишувига эришиш, мамлакатнинг асосий миллий-этник гуруҳлари вакилларидан иборат ҳукуматни шакллантиришдир. Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда президент сайловининг иккинчи босқичи қонун доирасида ўтказилишига умид билдирди ва бу жафокаш Афғонистон халқи учун тинч ҳаёт сари йўл очиб бериши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил қилиш, Афғонистон халқи сайлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий туради.

Ўзбекистон муросага келаётган томонлар олдига нафақат музокара жараёнини чўзадиган, балки кескинликнинг яна авж олишига, зиддият ва тортишувларнинг янада кучайишига олиб келадиган шартлар қўйилиши мутлақо самарасиз ва бунга сира йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг чиқарилишига келсак, ушбу мамлакатда юзага келган вазият қўшинларни 2014 йилнинг охирига қадар олиб чиқиб кетиш якуний муддатини узайтиришни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш олдида қандай мураккаб, ҳал этиш мушкул бўлган муаммолар турганини яхши тасаввур қилишини таъкидлади. Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш, кескинлик ва қарама-қаршиликларни юзага келтирадиган сабабларга барҳам бериш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимизни оқлаши мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасининг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислик қилиши Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги мураккаб муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнашига ишонч билдирди. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислик 2016 йилгача Хитойга ўтди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ниҳоясига етди. Президентимизнинг ХХР Раиси билан ўтказган учрашувлари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатларга, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини стратегик шериклик руҳида ривожлантиришга хизмат қилади.

**Баҳодир ЭРГАШЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
Тошкент – Шанхай – Тошкент.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ 2014 йил 30 май куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз олтинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2014 йил биринчи чорак якунлари ижроси тўғрисида;

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини takомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги «2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида саноатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш ва шу мақсадда инвесторларни жалб қилган ҳолда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид вазифаларнинг ижроси бўйича Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 27 январдаги «2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижроси тўғрисида;

Тошкент шаҳрида 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида;

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Сергели туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари;

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ва бошқа масалалар.

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

## ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва диний ташкилотлар вакиллари, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг дин ва виждон эркинлигига оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, миллатлараро ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик тамойилларига қатъий амал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда эътиқод ва виждон эркинлигига доир кафолатлар Бош Қомусимиз ва қонунларда қатъий белгилаб қўйилган. Бу юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, ўн бешдан зиёд диний конфессия вакиллари ўзаро аҳиллик ва тотувликда яшаб, Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро дўстлик тобора мустаҳкамланиб бораётир. Имом Бухорий халқаро маркази, Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасига қарашли диний таълим муассасалари, православ ва протестант семинарияларида диний бағрикенгликни тарғиб этувчи тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Турли динларга мансуб фуқароларнинг ўз диний арконлари ва амалларини эмин-эркин адо этиши учун барча шароит яратилган.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқандда «Юксак маънавиятли авлод» ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ҳар бир йўналиш бўйича соҳа мутахассислари, олимлар, шоир ва ёзувчилар томонидан ёшлар учун маҳорат машғулотлари ўтказилди.**

**● Наманганда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва вазифаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

**● Андижонда триатлон бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Сузиш, югуриш ва велоспорт бўйича ўтган ушбу баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди.**

**● Термизда ёш ҳунармандлар, рассом ва халқ амалий санъати мутахассислари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.**

**● Қашқадарёда соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар доирасида турли миллат ва элатларнинг миллий қадрият ҳамда анъаналари акс эттирилган ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий санъат асарлари намойиш этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Болқондаги энг кучли дея таърифланаётган сув тошқини натижасида камида 44 киши ҳалок бўлди. Уларнинг 27 нафари Босния ва Герцеговинада, 16 нафари Сербияда ва бир киши Хорватияда қурбон бўлган.**

**● Японияning Киото университети мутахассислари дунёда илк марта ўпкани кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳликни амалга оширишди. Бемор аёлнинг чап ўпкаси бир бўлаги ўрнига унинг турмуш ўртоғи ўзининг ўнг ўпкаси бир қисмини берди. Айни пайтда эр-хотинлар соғлиғи яхшиланмоқда. Улар шифохонадан чиқарилган. Операциядан сўнг ҳеч қандай асоратлар қайд қилинмаган.**

**● АҚШнинг Миннесота штатида бир яшар бола турар-жой биносининг ўн биринчи қаватидаги балкондан тушиб кетиб тирик қолди. Боланинг бир неча жойи лат еган, қўли синган ва ўпкаси ёрилган. Шифокорларнинг айтишича, унинг аҳволи оғир, бироқ барқарор ҳолатда. Мутахассислар ушбу ҳодисани мўъжизага тенглаштиришмоқда. Чунки одамнинг бундай баландликдан йиқилганида тирик қолиши амримаҳол.**

# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИ БЎЙИЧА

## солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар

***Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги Қарорига асосан 2014 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.***

Хусусан, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси турар жойлар, квартиралар (шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.метрдан ошиқ бўлганлари бундан мустасно), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,2 фоиз миқдорда;

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган:

Умумий майдони 200 кв.метрдан 500 кв.метргача бўлган турар жой ва квартиралар 1,4 фоиз миқдорда;

Умумий майдони 500 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун эса 1,8 фоиз миқдорда белгиланган.

Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли органлар томонидан белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаганда, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18480,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8030,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Кўчмас мол-мулкка ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирилиши белгиланган.

Жисмоний шахслар томонидан солиқ солинадиган объектлардан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда ёхуд уларни юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан турар жой фонди объектлари нотурар жой фонд тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотурар жой фонди объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланиши кўрсатиб ўтилган.

2014 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳар зоналари бўйича белгиланган ер солиғи ставкалари амалдаги 14 та зона ўрнига 5 та зона қилиб белгиланди.

Масалан, фуқароларга якка тартибда уй-жой қурилиши учун берилган ер участкалари, шунингдек, якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари унинг жойлашган иқтисодий зонасига қараб ҳар бир квадрат метр учун 1-зонага 430,00 сўм, 2-зонага 365,00 сўм, 3-зонага 300,00 сўм, 4-зонага 235,00 сўм ва 5-зонага 171,00 сўм миқдорида ставкалар белгиланган.

Қонунчиликка киритилган ўзгартишларга кўра Солиқ кодексининг 275-моддасида кўзда тутилган айрим имтиёзлар бекор қилинди. Жумладан, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар бекор қилинди.

Ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларга, I ва II гуруҳ ногиронларига берилган имтиёзлар қисмига ўзгартиришлар киритилиб, 2014 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, бу каби тоифадаги фуқароларга имтиёз қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида (60 кв.м) берилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Солиқ кодекси 290-моддасининг биринчи қисми 1-бандида белгиланган (яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари) имтиёзлар чиқариб ташланди.

Шахсий пенсия тайинланган шахсларга берилган имтиёзлар бекор қилиниб, бу тоифадаги фуқаролар мол-мулк солиғидан қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

**Азим ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**

***ЎзА махсус мухбири 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг таассуротлари билан қизиқди.***

# ҚАДИМ ВА БОЙ ТАРИХ — БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Магида МАҲЛУФ, Қоҳира университети профессори (Миср):**

– Конференция юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Анжуман давомида халқингиз юксак маданияти, самимияти ва меҳмондўстлиги билан хорижлик меҳмонларни яна бир бор ҳайратга солди. Президент Ислом Каримов конференциянинг очилиш маросимида кўплаб олим ва мутахассислар қатори менинг ҳам меҳнатимни эътироф этганидан, илмий фаолиятимга юксак баҳо берганидан жуда хурсанд бўлдим. Илм ва маърифатни бу қадар юксак қадрлайдиган Президент Жаноби Олийларига чексиз миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон ўзининг қадимий ва бой тарихи билан дунёга машҳур. Бу диёрнинг Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Хоразмий каби буюк сиймоларнинг илмий-маърифий меросидан бутун тараққийпарвар инсоният фойдаланади.

Ўтган йили «Бобурнома»ни араб тилига таржима қилдим. Менда бу асарни ўрганишга қизиқиш Темурийлар тарихини ўқиш жараёнида уйғонди. Асарни ўқиб, Бобурнинг буюк шоир, зукко олим, ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси ва географи бўлганини англадим. Бу қомусий асар ўрта асрлар манзараларини тўла акс эттирган ноёб ёзма обидадир.

Ўзбекистонга 2007 йилда ҳам келган эдим. Тошкент ва Самарқанднинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлиб, ҳар қадамда улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, одамлар юзидаги мамнунлик, эртанги кунига ишонч бизда ҳавас уйғотди. Айниқса, ўзбекларга хос гўзал фазилатлар – аҳиллик, меҳр-оқибат, ажойиб урф-одатлар ва миллий анъаналардан ўрнак олса арзийди.

**Хи ЧЖИЛИ, Пекин университети профессори (Хитой):**

– Халқаро конференция бизга Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурроқ ўрганиш имконини берганидан жуда мамнунмиз. Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Буюк Ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилган. Турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган ўлка сифатида танилган. Ўзбекистон халқи – буюк зотлар авлоди, бетакрор мерос соҳиби. Бугун ана шундай пойдеворга таяниб, Ўзбекистон ўзининг эркин, мустақил ва фаровон келажагини қуриш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан дадил одимламоқда.

Форумда Абу Райҳон Берунийнинг илмий фаолияти ҳақида маъруза қилдим. Бу аллома астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, тарих, филология ва бошқа фанларнинг ривожига катта ҳисса қўшган. Минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқиб, геодезия фанига асос солган. «Сайдана» асарида мингдан ортиқ доривор моддалар номини 30 тилда ёзиб чиққан. Унда Шарқ, айниқса, Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тўла тавсифи берилган.

Ўзбекистонга ташрифимиз давомида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатингиз равнақини оширишга, халқингиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганининг гувоҳи бўлдик. Таълим тизимига қаратилаётган эътибор Ўзбекистон ёшларининг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, қобилиятини юзага чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. Бу муттасил ривожланиб бораётган Ўзбекистоннинг жадал тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётир.

**Масатака ТАКЕШИТА, Токио университети фахрий профессори, Токаи университети профессори, шарқшунос олим (Япония):**

– Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги савдо алоқалари узоқ тарихга эга. Буюк Ипак йўли орқали йўлга қўйилган бу ҳамкорлик Ўзбекистон истиқлолга эришгач, янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон азалдан жаҳонда илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган. Улуғбек расадхонаси, маҳобатли Регистон ансамбли ва бошқа тарихий обидаларни кўздан кечирар эканман, ўзбек халқининг илмий салоҳияти, маданий ривожига қойил қолдим. «Афросиёб» музейида қадимий Афросиёб тепаликларидан топилган ноёб ашёларни катта қизиқиш билан томоша қилдим.

Бу муқаддас заминда вояга етган, ўз ҳаёти ва фаолияти билан жаҳон цивилизацияси саҳифаларида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир ва алломалар жуда кўп. Уларнинг илмий, фалсафий, бадиий асарлари инсониятнинг беназир маънавий бойлигига айланган.

Анжуман баҳонасида Ўзбекистонни, хусусан, Самарқандни кўришга муяссар бўлганимдан ғоят хурсандман. Самарқандни «абадий шаҳар» деганларича бор экан. Бу ерда ўтмиш билан бугунги кун ёнма-ён яшамоқда. Шаҳардаги қадимий обидалар, замонавий иншоотлар, йўллар, кўприклар ҳавас қилгулик. Таълим муассасалари замонавий технологиялар билан жиҳозлангани, спорт заллари бизда катта таассурот қолдирди.

**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**

# ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Анжуманда таъкидланганидек, дин, шу жумладан, муқаддас ислом динининг одамларни эзгулик ва ҳалоллик, покликка ундаш, тинчлик ва осойишталикни сақлашга даъват этишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бироқ бугунги мураккаб ва таҳликали, тезкор глобаллашув даврида дунёнинг турли мамлакатларида рўй бераётган можаролар асосан диний ва миллий хусусиятга эга экани ҳеч кимга сир эмас. Бу барчани янада ҳушёрлик ва огоҳликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга, унинг қадрига етишга, жамиятдаги барқарор муҳитни асраб-авайлашга, ёшлар тарбияси учун масъулиятни ҳис этишга даъват этади. Шу маънода юртимиздаги миллатлараро ва диний конфессиялараро тотувликни, ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсати жаҳон ҳамжамиятига ибрат бўла олиши нуфузли халқаро ташкилотлар, аксарият хорижлик олимлар, экспертлар, етук мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

– Улуғ алломаларимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш, мукаммал ўрганиш доимий эътиборда, – дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. – Юртимизда турли диний конфессиялар вакиллари учун зарур шароитлар яратилган. Диний ва миллатлараро бағрикенгликни, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликда, турли соҳалар равнақ топаётганида, барча жабҳаларда эришилаётган ютуқларда асосий омиллардан бири бўлмоқда.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА ЁШЛАР ҲУҚУҚИ

***Президентимиз ташаббуслари билан мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига жуда катта эътибор қаратилиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди. «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Лекин бу давлатни барпо этиш ёшларимиз қўлида» – деб таъкидлаган эдилар Юртбошимиз. Шу мақсадни кўзлаб «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги махсус Қонун қабул қилинди.***

Шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялашга қаратилган бир қатор давлат дастурлари қабул қилинди. «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Мустаҳкам оила йили» ва 2014 йилда қабул қилинган «Соғлом бола йили» шулар жумласидандир.

Ёшларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари мамлакатимиз Конституциясининг 41, 45, 64 ва 65-моддаларида белгиланган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида янада батафсил баён этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2008 йилда «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги Конвенциялар ратификация қилиниб, улардаги нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинди.

Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида «ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», дея қайд этилган. Мазкур конституциявий қоида биринчи навбатда ёшларга тааллуқли бўлиб, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида янада ривожлантирилган.

Шунингдек, Конституциямизнинг 45-моддасига асосан «вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», деб белгиланган. Мазкур конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодексларининг, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг вояга етмаганларга оид тегишли моддаларида янада батафсил ёритилган. Жумладан, болалар Конституцияси деган рамзий номни олган мазкур Қонуннинг 18-моддасига («Боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатлари») асосан бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулкка эга бўлиши мумкин, боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир, дея белгиланган. Шунингдек, Қонуннинг 19-моддаси «Боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари» деб номланган. Унга кўра, ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга, мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Конституциямизнинг 64-моддасида «ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» дейилган. Бу бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий норма. Лекин ўзбек халқининг миллий урф-одатларига кўра ўзбек ота-оналари ўз фарзандларини вояга етганларидан кейин ҳам боқиш ва тарбиялашда иштирок этишни давом эттирадилар ва ҳаттоки, ўз невaралари, чевара ва эвараларини ҳам тарбиялаш, таъминот бериш ишида фаол иштирок этадилар. Бу ҳолат ўзбек халқига хос бетакрор ибратли удум бўлиб, бундай удум дунёнинг биронта ҳам мамлакатида учрамайди, десак адашмаймиз.

Шунингдек, юқоридаги моддада «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради» деб белгиланган. Ушбу конституциявий қоидани янада ривожлантириш мақсадида 2014 йилда «Васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унда васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий мақоми, ота-оналарнинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васийлик ва ҳомийлик белгилаш тартиби, уларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш масалалари қонунан мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциямизнинг 65-моддасига асосан «фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролигидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар», деб белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий қоида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг мол-мулкка меросхўр бўлишга оид тегишли моддаларида янада кенгайтириб баён этилган.

Мухтасар қилиб айтганда, «Соғлом бола йили»да ёшлар ҳуқуқларини таъминлашга оид бир қатор устувор мақсад ва вазифалар олдимизда турибди. Уларни рўёбга чиқаришда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармалари билан ҳамкорлик қилиш, ёшлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш ҳар биримизнинг ота-оналик, қолаверса фуқаролик бурчимиздир.

**Нурия ШОҲНАЗАРОВА,**
**Чилонзор туманидаги 6-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси**

***Банкларнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожидаги ўрни катта. Айниқса, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига банклар томонидан қулай ва фойдали кредитларнинг турли хизматларнинг кўрсатилиши тадбиркорликнинг юксалиши, демак юртимиз фаровонлигининг ошишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилмоқда.***

***Шундан келиб чиққан ҳолда биз Марказий Банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси билан ҳамкорликда газетамиз саҳифаларида «Банк ва мижоз» рукнини очишга қарор қилдик. Ушбу рукн орқали бериладиган мақолаларда тажрибали банк мутахассисларининг ҳамшаҳарларимизни қизиқтирган саволларга жавоблари эълон қилинади.***

***Бугун ушбу рукн остидаги саволларга Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи жавобларини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.***

# БАНК ВА МИЖОЗ

**Республикамизда қандай сўм пластик карточкалари муомалага чиқарилган ҳамда уларнинг қулайлик ва афзаллик томонлари ҳақида маълумот берсангиз.**

**Абдураҳмон Дилмуродов.**

— Мамлакатимиз ривожланиб борар экан, дунё тажрибасида синалган, муваффақиятли ҳисобланган банк-молия хизматларидан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича ҳам кенг имкониятлар юзага келмоқда. Ана шундай хизматлардан бири, бу пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимидир.

Алоҳида қайд этиш лозимки, пластик карточканинг кўп қулайликлари мавжуд. Хусусан, ҳисоб-китобларнинг тезкорлиги, яъни навбатда туриб, нақд пулни санашга сарф қилинадиган вақт тежалади, шунингдек, масофадан туриб тўловни амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга, пулни йўқотиб қўйиш ва санашдаги хатолар билан боғлиқ хатарлар пластик карточка орқали бажариладиган юмушларда мавжуд эмас.

Пластик карточкалар ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиладиган ахборотни ўзида сақлаб қолади. Барча харидлар ва кўрсатилган хизматлар учун амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни ёдда тутишга зарурат қолмайди. Чунки, махсус восита ёрдамида пластик карточкадаги пулнинг ҳаракати тўғрисида бир неча сонияда маълумот олиш мумкин.

Агар эътибор қаратадиган бўлсак, пластик карточкалар нафақат товар харид қилаётган ёки кўрсатилган хизматга ҳақ тўлаётган фуқаролар, балки барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини соддалаштиради ва пировардида, мамлакатда тўлов интизомини мустаҳкамлайди.

Муҳтарам Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида ҳам электрон тижорат, пластик карточкалар тизимини янада ривожлантириш борасида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Мамлакатимизда пластик карталар билан ҳисоб-китобларни босқичма-босқич ривожлантириб бориш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида бугунги кунда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китобларни амалга оширишда 3 та тизимдан фойдаланилмоқда. Жумладан,

**VISA**–тизимидаги банк пластик карточкалари мижозга ўз ҳисобрақамида мавжуд маблағлари доирасида тасарруф этиш имконини беради. Мазкур тизимдаги пластик карточкаларни фақатгина Ўзсаноатқурилишбанки муомалага чиқаради.

**DUET (OFF-LINE)**–тизимидаги банк пластик карточкалари электрон ҳамён вазифасини бажариб, мижоз ўз ҳисобрақамидаги мавжуд маблағларини терминал, банкомат ёки инфокиоскалар ёрдамида пластик карточкага кўчириб олади.

**«SMART VISTA»(ON LINE)**–тизими пластик карточка эгасига банкдаги пластик карточка ҳисоб варағига бевосита уланиш ва уни бошқариш орқали операцияларни амалга ошириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан 2012 йил 11 апрелда «Банклараро тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда «Сўм» пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан амал қилиниши лозим бўлган тарифлар режаси» тасдиқланган бўлиб, унинг 6-бандига асосан пластик карточкаларга аҳолининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия маблағлари кирим қилинишида банк томонидан ҳақ ундирилмайди.

* * *

**ON LINE режимида ишлайдиган банк пластик картасининг OFF-LINE режимида ишлайдиган банк пластик картадан фарқи нимада?**

**Саидахон Азлархўжаева.**

— **DUET (OFF-LINE)** тизимида ишлайдиган пластик карточкаларнинг **On-line** режимидаги пластик карточкалардан фарқи шундан иборатки, янги тизим пластик карточкаларига ўтказилган пул маблағлари автоматик тарзда юкланади ва тўғридан-тўғри мижознинг пластик карточка ҳисобрақамига тушади, яъни агар пластик карта «Off-line» режимида ҳамён вазифасини бажарган бўлса, «On-line» режимида мижознинг банкдаги ҳисобварағи учун калит вазифасини ўтайди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда **ON LINE** тизими нақд пулсиз ҳисоб-китоблар соҳасида янги тизим ҳисобланиб, ушбу усулнинг амалиётга татбиқ қилиниши жараёнлари кенг қамровли ишларни талаб қилмоқда.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда миллий банклараро тўлов тизимини мукаммал ташкил этиш, пластик карталар орқали тўловларни амалга оширишда аҳолига янада қулайлик ва афзалликлар яратиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтган барча шохобчаларни «Smart-vista» ва DUET платформаларида параллель равишда ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берувчи тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва жойларда савдо нуқталарига ўрнатилган барча терминалларга дастурий таъминот ўрнатиш ишлари тўлиқ якунига етказилди.

**ON LINE** тизимининг бевосита алоқа (телефон-интернет) канали орқали ишлашини ҳисобга оладиган бўлсак, жойларда ўрнатилган терминалларнинг тўлиқ ишлаши мазкур алоқа воситаларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

«On-line» режимида ишлайдиган пластик карточкалар орқали масофадан туриб, банк операторисиз ёки уларни қабул қилувчи ускуналарисиз пластик карточкадаги маблағларни бошқариш имкониятлари ҳам мавжуд.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, 2013 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Республикамизда UZCARD-CLICK хизмати йўлга қўйилган бўлиб, «On-line» режимида ишловчи пластик карточкаларидан тўғридан-тўғри мобиль телефонлари орқали кўрсатилган хизматлар учун (мижоз ўзининг ва бошқа яқинларининг мобиль телефонлари балансини тўлдириш, интернет провайдер, веб-сайтлар, кабель телевидениеси) банк пластик карточкасидаги маблағларни бошқариш ҳамда коммунал тўловларини амалга ошириш имконияти мавжуд.

Бунда, мижоз томонидан мобиль телефонга ҳеч қандай дастур ўрнатилиши керак эмас, ҳисобрақам телефонга эмас, балки SIM-картасига боғланади.

* * *

**Тўлов терминаллари қаерларга ўрнатилиши керак?**

**Атҳамбек Қобилов.**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ, қуйидаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида, мулкчилик шакли, сотув ҳажми, бинонинг майдонидан қатъи назар, тўлов терминали мажбурий тарзда ўрнатилиши лозим:

– авиация ва темир йўл чипталарини сотиш кассалари;

– автовокзаллар ва автостанциялар кассалари;

– автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари;

– меҳмонхоналар;

– кредит ташкилотлари (микрокредит ташкилотлари, ломбардлар), суғурта ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари;

– турғун савдо шохобчалари, жумладан дорихоналар (эгаллаган майдони ҳажмидан қатъи назар);

– умумий овқатланиш объектлари;

– аҳолидан уй-жой-коммунал хизматлари, шунингдек, телефон, жумладан, уяли телефон алоқаси хизматлари учун тўловларни қабул қилиш пунктлари;

– автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари;

– алоқа бўлимлари;

–маиший хизмат кўрсатиш ва маданий-оммавий ҳамда томоша тадбирларини ўтказиш объектлари;

– аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектлар.

Мазкур савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари раҳбарлари тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини таъминлашлари шарт.

Республикамизнинг барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўлов терминаллари ўрнатилиши кўзда тутилган ва уларнинг тартиби қонунчиликда белгилаб қўйилган.

***Азиз ҳамшаҳарлар! Банк соҳаси бўйича ўзингизни қизиқтирадиган саволлар бўлса «Тошкент оқшоми» газетасига 233-28-95, Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасига 212-61-87 телефонлари орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин.***



Танловлар

# ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ

***Ўзбекистон Давлат консерваториясида шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан «Соғлом бола йили»га бағишлаб маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоалари ва ёш яккахон ижодкорлар ўртасида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.***

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи туман касаба уюшмалари Кенгашлари томонидан ўтказилиб, унда 415 нафар ёшлар иштирок этган эди. Шаҳар босқичида эса туманлардаги танловда ғолиб чиққан 14 та жамоа, 25 нафар ёш яккахон ижодкорлар ўз куч-маҳоратларини кўрсатишди.

Иштирокчилар анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка рақс ва жамоа рақси ижрочилиги йўналишлари бўйича баҳс юритдилар.

— Бу танлов келажаги порлоқ ёшларимизнинг ўз иқтидорларини оширишлари ва изланишлари улкан чўққиларни забт этиб боришлари йўлида нурли бир довондир, — дейди Ўзбекистон Давлат консерваторияси эстрада ижрочилик кафедраси ўқитувчиси, ҳайъат аъзоси Дилшод Умаров.

– Танловда қўшиқлар матнининг мазмун-моҳияти, оҳанги, ижро даражасининг юқорилиги куйнинг сўз билан ўзаро уйғунлигига асосий эътибор қаратилди. Иштирокчиларнинг ҳар бири ўзга дунё. Уларнинг изланиш ва интилишлари, ғайрат ва шижоатлари, санъат соҳасидаги истеъдодларини кўриб жуда мамнун бўлдим. Иштирокчилар ижросидаги мафтункор қўшиқлар, дилбар рақслар ва оҳанрабо куйлар дилга мадор, вужудга малҳам, онг ва тафаккуримизга эса руҳий озиқ бўлди. Ишонамизки, бу иқтидорли ёшлар келажакда ўз куй ва қўшиқлари билан дунё саҳналарини ҳам забт этишади.

Кўрик-танловда Ҳамза туманидаги 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг «Гулбаҳор» гуруҳи қизлари ижросидаги «Тановар» куйи ҳамда Чилонзор туманидаги, 15-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг ижрочиси Фозилжон Фарҳодов ижросидаги «Қўш доира оҳанглари» навоси барчага манзур бўлди.

Юнусобод туманидаги 235-мактаб ўқувчиси Беҳзод Ваҳобов ижро этган Бобур ғазали билан айтиладиган «Шароб» қўшиғи ҳам йиғилганлар эътирофига сазовор бўлди.

Шунингдек, «Кўзмунчоқ» ва «Рио», «Илҳом», «Истиқлол» рақс ансамблларининг дилбар рақслари ҳам олқишларга сазовор бўлди.

Тадбир сўнгида ғолиблар ва иштирокчи гуруҳларга Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТДА:** танловдан лавҳа

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Китоб бизни бирлаштиради» мавзусида китобхонлик фестивали бўлиб ўтди.***

2014 йил — Соғлом бола йили

# КИТОБХОНЛИК ФЕСТИВАЛИ

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Байналмилал маданият маркази, Республика болалар кутубхонаси томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ахборот-ресурс марказлари ходимлари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлод маънавиятини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларда ўғил-қизларнинг китобга бўлган меҳрини янада кучайтириш, мутолаа маданиятини оширишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ахборот-ресурс марказлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларнинг адабиётлар захирасини янгилаш ва бойитиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайтирилиб, ёшларни турли зарарли ахборотлар ҳамда мафкуравий таҳдидлардан ишончли ҳимоялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга оид комплекс тадбирлар ташкил этилаётир.

Жумладан, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Энг китобхон ўқувчи», «Билимлар беллашуви», «Энг намунали ахборот-ресурс маркази» кўрик-танловлари, интеллектуал викториналар, китобхонлик фестиваллари доимий ўтказилаётгани болаларнинг мутолаа маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

– Мактабимиз ва Меҳрибонлик уйимиздаги кутубхона бадиий китобларга бой, – дейди пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 182-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Полина Куришова. – Бу ерда ўзбек ва ўндан ортиқ тиллардаги болалар адабиёти намуналари билан танишиш мумкин. Мен Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асарларини қайта-қайта ўқийман. Китоб – энг яхши дўст. Чунки улар бизни ватанпарварликка, меҳнатсеварликка, ҳалолликка, одобга, мақсад сари интилишга ўргатади.

Фестивалда энг фаол китобхонларга болалар адабиётларидан иборат совғалар топширилди. Тадбир доирасида юртимиз нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган янги китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Миллий маданият марказлари қошидаги болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари тадбирга янада жўшқинлик бағишлади.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

# МУЗЕЙЛАР – БОЙ ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

***Маълумки, мамлакатимизда музейларнинг халқнинг маънавий-маърифий камолотида тутган ўрнини ошириш, уларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини, илмий изланишлар натижаларини қўллашга, музейлар ишини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида май ойида ўтказилаётган «Музейлар — бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси» мавзуидаги музейлар ойлиги ёш авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўляпти.

Пойтахтдаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмасида ўтказилган матбуот анжуманида маданият ва спорт ишлари вазири Минҳожиддин Ҳожиматов, вазир ўринбосари Давлат Муллажонов, вазирлик бошқарма бошлиғи Алишер Мусаев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова, К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг кафедра мудири Камола Нишонова ва бошқалар анжуман мавзуси ҳамда музейлар ойида бўлиб ўтаётган тадбирлар жараёни ҳақида атрофлича фикр юритишди.

Тадбирда таъкидланганидек, Музейлар ойлиги доирасида республикамиздаги 39 та музей, суратлар галереялари ҳамда уй-музейларда турли мавзуларда янги кўргазмалар, давра суҳбатлари, учрашув, адабий кечалар, викториналар, кўрик-танловлар, маҳорат дарслари, музей экспозицияларига саёҳатлар, маърузалар, илмий-амалий семинарлар, анжуманлар, «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилмоқда, концерт дастурлари уюштирилмоқда. Шунингдек, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, рассом ва ҳунармандлар, бадиий жамоаларни жалб этиб, турли ёшдаги ташриф буюрувчилар учун қизиқарли бўлган «Ёшлар ва миллий қадриятлар», «Ёшлар тарбиясида музейларнинг ўрни», «Ёшларнинг севимли устози», «Моддий ёдгорликларни ёш авлодга етказиш», «Соғлом бола — келажак пойдевори», «Табиат ва ёшлар» каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва адабий кечалар ўтказилмоқда. Матбуот анжуманидан сўнг Ўзбекистон маданият ва санъати кўргазмаси залида «Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот» мавзуидаги экспозиция очилди. Унда юртимиз музейларида сақланаётган экспонатлардан ташкил топган рангтасвир асарлар, фотосуратлар, ёш кулол, ҳунарманд, ҳайкалтарошлар асарлари, талабаларнинг «Устоз-шогирд» тизимида бажарилган асарларидан намуналар ўрин олган. Уларда юртимизнинг табиати манзаралари, қишлоқлари, шаҳарлари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, йил фасллари, меҳр билан чизилган инсон портретлари акс этган. Тадбирда музейлар ва уларнинг фаолияти, маданий ҳаётимиз акс этган китоблар кўргазмаси ҳам намойиш қилинди.

«Ниҳол» мукофоти совриндорлари ижросидаги концерт дастури анжуман қатнашчиларига хуш кайфият бағишлади.

**Сурайё ХОДЖАЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи илмий ходими**
**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Жаҳонда юз бераётган сиёсий, иқтисодий глобаллашув жараёни ҳамда ахборот-коммуникация воситаларининг жадаллик билан ривожланиши хорижий тилларни пухта ўрганишни талаб этмоқда.***

Фан олимпиадалари

# БИЛИМ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган чет тиллари бўйича талабаларнинг жорий йилги республика фан олимпиадаси ҳам қизғин ва кўтаринки руҳда ўтказилди.

Олимпиаданинг очилиш тантаналарида мамлакатимиздаги АҚШ, Франция ва Германия элчихоналарининг вакиллари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида хорижий тилларни ўрганиш тизимига қаратилаётган эътибор, жумладан, Юртбошимизнинг 2012 йил декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори бу борада амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Маълумот ўрнида келтириш лозимки, университетда бўлиб ўтган жорий йилги олимпиадада талабалар инглиз тили ва адабиёти, немис тили ва адабиёти, француз тили ва адабиёти мутахассислик фанлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини тўрт шарт асосида синовдан ўтказишди. Билимлар мусобақасига хорижлик мутахассисларнинг жалб этилгани ва уларнинг ҳакамлар ҳайъати раиси этиб белгиланганi фан олимпиадасининг холис, ҳаққоний ва адолатли ўтишини таъминлабгина қолмай, унинг нуфузини янада оширди.

Талабалар дастлабки шартда тили ўрганилаётган мамлакатнинг давлат тизими, иқтисодиёти, санъати, буюк сиймолари ва ёшлар ҳаёти ҳақидаги суҳбатдан ўтишди. Навбатдаги шартда эса 10-12 дақиқа давомида бадиий фильмдан парча кўриб, мазмунини ёзма равишда баён этишди. 3-шартда мамлакатшунослик, адабиёт, грамматик ва лексик материаллар асосида тузилган 50 та саволдан иборат тест топшириқларини бажардилар. Охирги шартда ўзбек ёки рус тилидаги матнни таржима қилиш маҳоратларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг оғзаки ва ёзма топшириқларни тўғри ҳамда хатосиз бажарганлиги, фикрларнинг мантиқли баён этилганлиги, мустақил ва мазмунли фикрлашнинг ривожланганлиги, муаммога янги ечимлар берилганлиги, оғзаки нутқининг равонлиги, ҳуснихати, матнни таржима қилишда индивидуал ёндашганлиги, матндаги мазмуннинг сақланганлиги сингари талаб ва мезонларга алоҳида эътибор қаратишди.

— Ушбу фан олимпиадасида устозларим берган билимлар асқотди ва биринчи ўринни қўлга киритдим, — дейди олимпиаданинг инглиз тили ва адабиёти фани бўйича ғолиби, Бухоро давлат университети филология факультетининг 4-босқич талабаси Комил Зарипов. — Тенгдошларим билан ўз билимларимни синаш имкониятига эга бўлдим ва дўстлар орттирдим. Ушбу ютуғим бундан кейин янада улкан марраларни забт этиш ва муваффақиятларга эришишимда қанот бўлади, десам адашмайман.

Олимпиаданинг якуний натижаларига кўра, немис тили ва адабиёти мутахассислик фани йўналиши бўйича 1-ўрин Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетининг 1-босқич талабаси Зокиржон Акрамхоновга насиб этди. Фарғона ҳамда Қарши давлат университетларининг 2-босқич талабалари Зарина Сакалова ва Яхъё Ёвқочдиев кейинги иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Инглиз тили ва адабиёти мутахассислик фани бўйича Бухоро давлат университети талабаси Комил Зарипов биринчи ўринга сазовор бўлди. Андижон давлат университети хорижий тиллар факультети 4-босқич талабаси Наталья Княжевага иккинчи ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети инглиз тили факультети 4-босқич талабаси Алла Абросимовага учинчи насиб этди. Француз тили ва адабиёти мутахассислик фани бўйича 1-ўринни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети роман-герман филологияси факультети 3-курс талабаси Ислом Бердиев эгаллади. Иккинчи ўринни Бухоро давлат университети филология факультети 2-босқич талабаси Заҳро Алиева эгаллаган бўлса, учинчи ўринни Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетининг 3-босқич талабаси Мадина Аннаева қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан сертификат, фахрий ёрлиқ, махсус китоблар жамланмаси, хусусан, элчихоналар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ**

Қонун барчага баробар

# ЭГРИ ИШНИНГ ТЎҚМОҒИ

***Киши бирор бир ишга қўл урар экан, қилаётган ҳаракатим тўғрими, дея ўзига савол бермоғи лозим. Чунки, билиб-билмай қинғир ишга қўл уриб, сўнг афсус чекмоқдан фойда йўқ.***

Наманганлик Расул Ибрагимов Тошкентга ҳар келганида «Янгиобод» бозорига тушар эди. У бу ерда ўзига шерик топди. Яъни, Анваржон Мўминов ва Бахтиёр Тоҳиров билан танишиб, валюта қимматликлари ҳисобланган қимматбаҳо ҳамда тарихий қийматга эга бўлган металларни, қадимий тошларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш жиноий фаолияти билан шуғуллана бошлади. Шу йилнинг 30 январь куни Расул Ибрагимов ўзига тегишли автомашинада Тошкент шаҳрига келаётганида Бектемир туманидаги «Шарқ» йўл патруль масканида блок пост ходимлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан тўхтатилди. Ҳайдовчига ушбу йўл патруль хизмати масканида холислар иштирокида валюта қийматликлари бўлса, чиқариб стол устига қўйишни айтишди. Расул Ибрагимов 2457 АҚШ доллари ва бир дона узук ҳамда икки дона сирғани чўнтагидан чиқариб, стол устига қўйди.

— Бошқа ҳеч нарсам йўқ, — елкасини қисди Расул Ибрагимов.

Шундан кейин текширувчилар унинг чап оёғидаги қора рангли пайпоғини текширишганда оқ салфеткага ўралган 12 дона қадимда ишлаб чиқарилган тилла танга, 8 дона кумуш ва 1 дона мис тангалар борлиги маълум бўлди. Шундай қилиб, осори атиқа буюмларнинг савдоси билан ноқонуний шуғулланувчи шахсларнинг фаолиятларига чек қўйилди.

Юқоридаги нохуш ҳолат шундан далолат берадики, қинғир ишнинг охири вой. Шунинг учун ноқонуний даромад илинжида бўлган айрим шахсларга юқоридаги «қаҳрамонлар» тақдири сабоқ бўлиши керак.

**Мақсуд ҒУЛОМОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Бектемир туман бўлими катта суриштирувчиси**

# МЕҲР-МУРУВВАТ — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

***Учтепа тумани маданият ва аҳоли дам олиш марказида «Оламни сақланг, дўстлар» номли концерт дастури намойиш этилди.***

Тадбир аввалида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Мактуба Арипова, туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Лола Алимджановалар сўзга чиқиб, ногиронларга тиббий ёрдам бериш, уларнинг кўнгилларини кўтариш, қалб калитларини топиб уни оча билиш катта савоб иш эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Кўтаринки руҳда ўтган концерт дастурида Зокир Абдукаримов, Камолиддин Қаҳҳоров, Анвар Расулов, Феруза Маҳамматжонова, «Бек» вокал гуруҳи дилтортар тароналари билан йиғилганларни ҳушнуд этишди.

– Меҳр инсонлардаги ноёб, энг ажойиб фазилатлардан бири, – дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти Учтепа туман бўлинмаси ходимаси Гулчеҳра Сайдалиева. – Дунёда ота-онанинг фарзандига бўлган меҳри бекиёсдир. Фарзандларнинг ота-онага бўлган меҳри ундан-да зиёда. Меҳрга муҳтож бўлган инсонларга ёрдам бериш, уларнинг кўнглини олиш мақсадида бу каби тадбирларни ўтказиш бизнинг асосий бурчимиздир. Ўйлаймизки, мазкур концерт дастури меҳмонлар ҳамда меҳрга муҳтож бўлган инсонларда катта таассурот қолдирди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

***Сергели туманидаги 285-сонли умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг онг ва тафаккурини кенгайтириш, фанларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини янада орттириш, касбий маҳоратини ошириш, ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда олган билимларини амалда қўллай олишга ўргатиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.***

# ОРАСТА ҚИЗ — ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИ

Яқинда ўқув муассасасидаги қизлар ўртасида «Ораста қиз — миллат, жамият келажаги» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда тумандаги маҳаллалар фаоллари, прокуратура ва ИИБ ходимлари, барча таълим муассасаларининг раҳбарлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар оилада тиббий маданиятни ошириш, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари мавзуларида мулоҳазали фикр юритдилар. Жумладан, анжуман доирасида шўъба машғулотлари ҳам ташкил қилинди.

Тадбир иштирокчилари моҳир қўллар, пазандалик, сартарошлик, психологик тренинглар, компьютер саводхонлиги, бадиий гимнастика, рассомчилик машғулотларига кириб, ёшлар билан жонли мулоқотда бўлдилар.

— Ўқув муассасамизда жорий йилнинг бошидан бошлаб «Ораста қизлар» тўгарагининг фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ягона режа асосида машғулотлар мавзуси ишлаб чиқилди, — дейди 285-мактаб директори Нигора Ҳамидова. — Асосий мақсадимиз вояга етмаган қизларимизнинг ақлу тафаккурини янада ривожлантириш, атрофга огоҳлик билан қарашга даъват этиш, уларни оилага тайёрлаш, эрта никоҳ ва эрта туғишнинг салбий оқибатларини тушунтириб боришдан иборатдир.

Шунингдек, тадбирда ўқув муассасасида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги фаолияти тўғрисида батафсил маълумот бериш баробарида мавжуд муаммолар, уларнинг ечими, мактаб, маҳалла ва оилалар ҳамкорлигидаги ишлар, «Ҳар ишда чаққон қизлар» лойиҳаси хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: бошланғич баҳоси – 1 650 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 61, 59, 57-уй манзилларида жойлашган: 48474,0 кв.м. ер участкасида жойлашган, умумий майдони 2185,0 кв.м. бўлган «10 та савдо ва маиший техника дўконлари» бўйича 2014 йил 28 май куни бўлиб ўтадиган аукцион савдоси тўхтатилмоқда. Асос: Шайхонтоҳур тумани СИБнинг 2014 йил 21 майдаги К-4/24-сонли хати.

Маълумот учун телефонлар: Тел: 254-69-13. Хизматлар лицензияланган. **Лицензия: RR-0148.**

## Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

***Италиянинг Филадельфия шаҳрида бўлиб ўтган ёш мусиқачилар халқаро танловида В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари зафар қучди.***

# МУСИҚАЧИЛАРИМИЗНИНГ ИТАЛИЯДАГИ ЗАФАРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлод маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, уларнинг маданий савиясини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак namуналарини пухта ўзлаштирган авлод бўлиб шаклланиши учун зарур барча шароит яратилган. Бунинг самарасида ушбу лицей ўқувчилари нуфузли халқаро санъат фестиваллари, танловлар ва концертларда мунтазам ғолибликни қўлга киритиб келмоқда.

Италияда бўлиб ўтган халқаро танловда Япония, Франция, Жанубий Корея, Германия, Хитой, Россия, Беларусь каби ўндан ортиқ давлатдан ёш мусиқачилар қатнашди. Ўзбекистонлик ўқувчилар мазкур ижодий беллашувда юртимиз ва жаҳон бастакорлари асарларидан намуналарни юксак савияда ижро этди. Ёш ижрочиларимизнинг мусиқани теран ҳис этиши, унда ифодаланган ғояни тингловчига етказа олиш қобилияти, ижрочилик маҳорати танлов ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Ёш тоифаси бўйича ўтказилган танловда ушбу академик лицейнинг 1-синф ўқувчиси Сирожиддин Сайфиддинов скрипка, 7-синф ўқувчиси Жасмин Абдуназарова пианино ижрочилиги бўйича биринчи ўринни эгаллади. 8-синф ўқувчиси, пианиночи Азиза Ботирова 2-ўринга сазовор бўлди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**




# «КАМОЛОТ» КУБОГИ» ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

***Мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва етук бўлиб улғайишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида анъанавий тарзда ўтказилаётган уч босқичли – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият яратиши билан бирга ёшлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик байрамига айланаётгани бунинг исботидир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон футбол федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган футбол бўйича анъанавий «Камолот» кубоги» республика турнири ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Мусобақанинг минтақавий босқичлари шу йилнинг 20 апрелига қадар ўтказилди. Унда ғолибликни қўлга киритган жамоалар мусобақанинг якуний учрашувларида ўзаро куч синашди.

«Пахтакор» марказий стадионида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоалари ўртасида турнирнинг финал учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, истеъдодини намоён этиши учун барча зарур шарт-шароит яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

– Турнирнинг минтақавий саралаш босқичларида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларидан тўрт ярим минг нафардан зиёд талаба иштирок этди, – дейди ЎзДЖТИ жамоаси мураббийи Муҳиддин Нурматов. – Жамоамизнинг мусобақалардаги ғалабали одимларида Баҳодир Юсупов, Павел Чулкин, Александр Чикмарёв каби талабаларимизнинг ҳиссаси катта. Энг муҳими, бу каби лойиҳалар ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Қизғин ва муросасиз учрашувда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди ва «Камолот» кубоги»ни қўлга киритди.

– Кубок соҳибига айланганимиздан жуда хурсандмиз, – дейди ЎзДЖТИ талабаси Абдумажид Маликов. – Турнир давомида ҳеч бир ғалабага осонликча эришилгани йўқ. Айниқса, финал учрашувида стадионга йиғилган кўп минг сонли ишқибозларнинг кўз ўнгида тўп суриш ҳар бир ўйинчини ҳаяжонга солди. Бироқ жамоамиздаги руҳий тайёргарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, ғалабага бўлган ишонч бизни юксак марра томон етаклади. Бундай спорт тадбирлари биз, ёшларни ҳар томонлама тоблантириб, тенгдошларимиз билан ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**
**Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат**

## Паралимпия

# ТОШКЕНТДА ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ

***Пойтахтимизда жисмоний имконияти чекланган ёшлар ўртасида паралимпия ўйинлари бўлиб ўтди.***

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси томонидан қатор вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақадан кўзланган мақсад мамлакатимизда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтидорини юзага чиқаришдан иборат. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган 100 нафарга яқин ўғил-қиз теннис, стол теннısи, қиличбозлик, параканоэ, енгил атлетика ва ўқ отиш спорт турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётир.

Жисмоний имконияти чекланган болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида спорт мусобақаларининг мунтазам ташкил этилиши уларнинг ўзига бўлган ишончини оширишга, ирода ва маҳоратининг тобланиши, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга қодир инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори паралимпиячиларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёрланиши ва муносиб иштирок этишида муҳим омил бўлаётир.

Жорий йилги спорт мавсумида ҳам паралимпиячиларимиз халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юқори натижаларга эришмоқда. Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган Гран-при турнирида ўзбекистонлик паралимпиячилар саккизта олтин ва учта кумуш медални қўлга киритди. Спортчиларимиздан Фахриддин Ҳамроев ва Ёқутхон Холбекова Осиё рекордларини ўрнатди. Яқинда ушбу шаҳарда пауэрлифтинг бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Искандар Турсунбоев ва Фарҳод Умрзоқов шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Фарҳод чемпионат давомида ўз вазн тоифасида жаҳон рекордини янгилади.

Пойтахтимизда ташкил этилган паралимпия ўйинлари ана шундай иқтидорли спортчиларимиз сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

– Жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай тадбирлар алоҳида эҳтиёжли ўғил-қизларнинг ўзини жамиятнинг ҳақиқий аъзоси деб ҳис этишига ҳамда эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, – дейди ЎзА мухбирига енгил атлетика бўйича Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси бош мураббийи Сардор Абдухолиқов.

– Бундай мусобақалар спортга бўлган қизиқишимизни оширади, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимизда катта куч-ғайрат бағишлайди, – дейди мусобақа ғолиби, бухоролик Марат Зарипов. – Келажакда жаҳон ареналарида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Паралимпия ўйинлари санъат усталарининг концерт дастури билан якунланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

## Ўқув муассасаларида

# ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БЕЛЛАШДИ

***Яккасарой туманидаги Республика эстрада цирк коллежида қизлар ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» танлови бўлиб ўтди.***

Унда «Эстрада актёрлиги» ва «Цирк санъати» йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи-қизлардан иборат «Мисс стар» ва «Ассорти» жамоалари тўртта шарт бўйича беллашиб, ўзларининг билим ва маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

— Мақсадимиз кимнидир ғолиб ёки мағлуб кўриш эмас, — дейди «Камолот» ЁИҲ фаол сардори Гўзал Маҳмудова. — Коллежларда мана шундай мусобақаларни ўтказиш орқали ўқувчи-ёшларнинг янги қирраларини кашф этиш ва уларни бир мақсад йўлида бирлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Билимли, интилувчан ва изланувчан ёшларни бирлаштириш, уларни ҳамфикрликка чорлаш эса албатта ўзининг ижобий натижасини беради, бошқаларни ҳам тўғри йўлга етаклайди.

Мусобақа сўнгида таништирув, савол-жавоб, сардорлар беллашувида қатнашчилар меҳрини қозониб энг юқори кўрсаткич — 119 балл тўплаган «Мисс стар» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ва танловнинг финал босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлди.

Тадбир барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**Дилафрўз ИБРАГИМОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**



***Пойтахтдаги Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида Соғлом бола йилига бағишлаб халқаро музейлар куни доирасида К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг «Амалий санъат клуби» ижодий ишларидан иборат бўлган «Буюк юрт фарзандлари» номли танлов кўргазмаси очилди.***

# КЎРГАЗМАДА ЁШЛАР ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ

Экспозицияда талаба-ёшларнинг уч йил мобайнида яратилган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, инсталляция, кулолчилик, заргарлик, сомон санъати турлари йўналишлари бўйича 100 дан ортиқ ижодий ишлари намойишга қўйилган. Уларда юртимиз гўзал табиатининг турли кўринишлари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, натюрмортлар воситасида ширин-шакар мевалари, миллий либослар, қўғирчоқлар, беғубор болалик, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари акс этган. Улар орасидан «Кўҳна тарих», «Менинг ҳовлим», «Тандир», «Болаликнинг бахтли онлари», «Миллий либослар», «Шарқ аёли», «Қорақалпоқ миллий қўғирчоқлари» каби ижодий ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Тадбирда ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашган, совринли ўринларни эгаллаган талабалар дипломлар, сертификатлар билан тақдирландилар.

**Ҳусан ДАУДБЕКОВ**

## «101»

# БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

***Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари пойтахтимиз ҳудудида осойишталикни таъминлаш билан бир қаторда, ёнғинларнинг олдини олиб ва назоратини ташкил этиб, профилактика йўналиши борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқдалар.***

Чунки, ёнғин билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг олдини олишда тарғибот ва ташвиқот ишлари яхши самара беради.

Бизнинг соҳамизда фалокатни бартараф этишдан кўра, унинг олдини олиш муҳимдир. Шу боис, ходимларимиз пойтахтдаги барча корхона-ташкилот, муассаса, шунингдек, маҳаллаларда бўлиб, кенг жамоатчилик орасида ёнғин хавфсизлигига оид тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Ҳали ёз бошланмасидан, шаҳримизнинг очиқ майдонларида қуруқ ўтлар ва шох-шаббалар ёниши каби кўнгилсизликлар содир бўлмоқда. Атрофимизда майсалар кўм-кўк бўлиб униб-ўсмоқда, лекин улар ўз вақтида ўриб ташланмаса, тез ёнувчи воситага айланади.

Албатта, бепарволикка йўл қўйсак, бундай нохуш ҳодисалар ҳар биримизнинг хонадонимизда, кўчаларимизда рўй бериши мумкин. Шу боис яна бир карра эслатиб ўтамиз, юртимизнинг обод ва озода бўлишида, ёнғинларнинг олди олинишига ҳисса қўшиш ҳамманинг бурчидир.

**О.РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**28-ҲЁХҚ смена бошлиғи, капитан**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Савдога Тошкент шаҳар Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 27.12.2011 йилдаги 1-10936/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзесидаги «Шообил» ХФ ҳудудида сақланаётган «Дамас» русумли д/р 01S410BA бўлган, 2009 йил и/ч техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 10 800 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2014 йил 24 июнь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 20 июнь куни соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар Савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет-эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотларни тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 006231.

«AHMAD CONSULTING» масъулияти чекланган жамияти (ИНН-302640326) негизида «AHMAD CONSULTING» хусусий корхонаси қайта ташкил қилинганлиги ҳамда Устав жамғармаси 4 000 000 сўмдан 3 200 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.


**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **23 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*


Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 556
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12091 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5